



Муаммога қандай муносабатда бўлиш натижани белгилайди

3-с.

Жараёнга раис эмас, “еттилик” аъзолари ҳам масъул

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
15 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№92
(2314)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

“Еттилик” — соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси!

“Маҳалла еттилиги”нинг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги фаолияти рағбатлантирилади.



Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Ҳукуматнинг айрим ҳужжатларига “еттилик” имкониятларидан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни жадаллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, маҳаллаларда “еттилик” ҳамкорлигида аҳолини жамоавий спорт турларига жалб қилиш орқали соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинади. Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) га эришиш бўйича иш режаларини ишлаб чиқишда аҳолини жамоавий спорт турларига жалб қилиш мезонларига алоҳида эътибор қаратилади. Соғлом ҳаёт тарихотида фаоллик кўрсатган шахслар ҳар томонлама рағбатлантирилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “еттилик”нинг юқори туровчи ташкилотлари билан биргаликда “маҳалла еттилиги” аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) бўйича баҳолаш методикасига тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритади. Бу жараёнда ҳудуднинг жамоавий спорт турлари бўйича мусобақалардаги натижалари ва аҳолини жамоавий спорт турларига жалб қилиш мезонлари ҳисобга олинади.

Эслатиш керак, Ўзбекистонда “Соғлом инсон – соғлом миллат” умуммиллий ҳаракати бошланган. Унинг доирасида соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик тарғиботи билан ҳар бир оила қамраб олинади. Бу йўналишда халқчил ва таъсирчан ижтимоий роликлар тайёрлаб, ҳар кун марказий телеканалларда намоиш этилади.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИМИЗ!

ШОШИЛИНГ! МАҲАЛЛАНИ “Mahalla”СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233-39-89, 71 233-10-92



ТАНЛОВ

УЙИ ВА КЎЧАСИ ОБОД ЭЛНИНГ ТУРМУШИ ФАРОВОНДИР

Жойларда “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг маҳалла босқичлари қизғин давом этмоқда.



КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус туманидаги “Дийқан арна” маҳалласида ташкил этилган танловда ҳудуддаги хонадон эгалари, кўчабошилар белгиланган шартлар асосида тақдимот қилишди. “Еттилик” вакиллари, йиғин фаоллари, оқсоқолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг тажрибаларини жойига бориб ўрганишди. Якунда энг намунали деб топилганлар туман босқичига йўлланма олди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” маҳалласида танлов доирасида ҳудуддаги 379 та хонадон ва 4 та кўчада дастлабки саралаш ишлари олиб борилди. Баҳолаш жараёнида “маҳалла еттилиги” ҳамда фаоллар иштирок этиб, белгиланган танлов мезонлари асосида хонадонлар ва кўчаларнинг ободонлиги, тозаллиги, тартиб-интизоми ҳамда яшаш муҳитининг намунавий ҳолати ўрганилди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Зарбдор туманидаги Навоий номидаги маҳаллада ўтказилган тадбирда маҳалла аҳолиси ўз хонадонлари, кўчалари ва яшаш ҳудудларини янада обод, файзли ҳамда гўзал масканга айлантириш йўлида ўз ташаббускорлигини намоён этди. Баҳолаш натижаларига кўра, “Обод хонадон” номинацияси бўйича Зарифа Мукумова хонадони, “Обод кўча” номинацияси бўйича Навоий кўчаси кўчабошиси Ўрол Холмўминов ғолиб, деб топилди.

Келгуси ҳафта танловнинг туман босқичи бошланади.

МАЪНАВИЯТ, АВВАЛО, ОИЛАДАН, МАЪРИФАТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



Ўзбек оиласи борки, ҳар бир иш, тадбир, қадам, тўй-маърака жараёнида ана шу савол янграйди: “Маҳалла-қўй нима дейди?”. Бу сўроқнинг замирида, асосан, тарбия ва маънавият мужассам. Ва бу одамларни кўплаб нотўғри ишлардан тийиб туради. Ҳар ҳолда, биз мана шу назоратли сўроқ остида улғайганмиз, тарбия топганмиз.

Айни саволга вақт-вақти билан жавоб изламас эканмиз, инсонийлик меъёри, маънавият сарҳадларига путур етади. Зеро, жамиятнинг асосий бўғини — маҳалланинг вазифаси, назаримизда, одамларни назорат қилиш эмас, тўғри бошқариш, тўғри ўзганга солишидир. Бугун кадриятлар бешиги, тарбия ошиёни бўлган маҳалла билан маънавият ва маърифат вакиллари, диний уламо-лар, нурунийларнинг тобора мустақамланиб бораётган ҳамкорлигидан мақсад нима?

Мазкур иттифоқ бераётган ва ундан қутилиётган самара қандай? Нима учун энди бу таркибга Ҳаж зиёратини адо этган минглаб ҳожларимиз ҳам қўшилди?

Такрор бўлса ҳам айтиш керак, маънавият, аввало, оиладан, маърифат эса маҳалладан бошланади. Комил тарбия, кадриятлар қадрини ошириш, аъёналарни сақлашни мақсад қилган эканмиз, маҳалла тарғибот масканига, хонадонлар асосий иш жойига, ҳар бир фарзанд келажаги фаоллар мақсадига айлангани шарт.

“Маҳаллани жойларда муам-

моларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба орттирамиз, яна ўзгартирамиз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қилаяпти. Ҳозирги таҳлиқаларга ечим топамиз десак, бизнинг ягона йўлимиз — маҳалла, маҳалла, маҳалла ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўсини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”. Давлатимиз раҳбарининг ушбу гаплари бугун ўз исботини топганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Тадбиркорлик қилса, бўлар экан-ку”, деганлар кўпайган, иккиланиш, хавотирлар ариган

Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади, деган сўз замирида қанчалар ҳақиқат ётганини тажрибада кўряпмиз. Таъбир жоиз бўлса, бу даъват соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди.

5-с.

Кичик эътибор кун келиб катта натижага замин бўлади

Халқ билан баробар нафас оладиган раис уларнинг дарди ва ташвишини яхши хис қилади. Шунга кўра, одамларга ёрдам бериш борасида ҳам яхши натижаларни кўлга киритади. Энг муҳими, атрофидагиларнинг ишончини қозонишга эришади. Фаолиятимиздан кўзлаган мақсадимиз ҳам аини шу аслида.

7-с.

Халқ ўйинлари маҳалла аҳлини соғлом ва ақлли бўлишда бирлаштиради

“Маҳалла еттилиги” унутилиб бораётган миллий халқ ўйинларини тарғиб этса, янада манфаатли бўлар эди. Мисол учун, қадимда ўғил болалар “Чиллак”, “Тортишмачоқ”ни яхши кўрса, қизлар “Супур-супур”, “Хаппак тош” кабиларга қизикқан.

8-с.



Тошкент шаҳрида
Президент Шавкат
Мирзиёев раислигида
Марказий Осиё давлатлари
раҳбарларининг
еттинчи
МАСЛАХАТ УЧРАШУВИ
бўлиб ўтади.



Президентимиз
“Марказий Осиё: умумий
маънавий-маърифий
мерос – умумий
келажак” мавзусидаги
ХАЛҚАРО КОНГРЕСС
ИШТИРОКЧИЛАРИГА
табрик йўллади.



Давлатимиз раҳбари
БМТнинг
ЮНЕСКО ташкилоти
бош директори
лавозимига сайланган
ҲОЛИД АЛ-АНАНИЙни
қабул қилди.

2

№92 | 2025 йил 15 НОЯБРЬ, ШАНБА

Mahalla

УЮШМА КЎМАГИДА

Маънавият, аввало, оиладан, маърифат маҳалладан бошланади

Камолиддин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини
ҳал этиш ва жамоатчилик назорати
бўлими бошлиғи.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хозирги кунда республика бўйича 9 008 та маҳалла фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири аҳолининг ижтимоий ҳаёти, маънавий тарбияси ва иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Сўнгги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги иштироки сезиларли даражада ошди, 80 фоиз муаммолар йиғиннинг ўзида ҳал этилмоқда. Шунингдек, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгараётти. Йўл, электр ва ичимлик сув тармоқлари янгиланиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, жамоатчиликнинг давлат идораларига бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида “маҳалла еттичилиги” кўмағида 635 минг 767 та муаммо ва муносабатлар қўриб чиқилиб, уларнинг 590 минг 338 тасини ҳал этишга эришилган. Соҳалар кесимида олсак, бандлики таъминлаш, кредит ва субсидия ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, кишлоқ ҳўжалиги, уй-жойни таъ-

мирлаш ва шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш, оилавий низола, моддий ёрдам, дафтарларга киришти йўналишларида кўплаб масалалар ҳал этилгани аён бўлади. Миллийликни асраш борасида маҳаллаларда мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилляпти. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида 70 мингга яқин учрашувлар, мулоқотлар ўтказилган бўлиб, уларда 3 миллион нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Маҳаллаларда ташкил этилган “Китобхонлик”, “Маънавият соатлари” каби тадбирлар орқали ёшлар ўртасида миллий ғурур ва ватанпарварлик ҳисси кучайди. Шунингдек, хотин-қизлар фаоллари иштирокида 22 мингдан зиёд маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказилиб, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга эришилди. “Еттилик” ходимлари, маҳаллада обрўга эга фаол нуруний ва бошқа соҳа вакиллари иштирокида тўй ва маросимларни ихчамлаштириш бўйича амалий ишлар бошланган. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда “Нуруний” жамғармаси ҳамкорликда ишлаб чиққан “Тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш, дабдабабозлик ва исрофгарчиликни қисқартириш бўйича намунавий йўриқнома” ҳамда никоҳ тўйи, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг намунавий сценарийла-



ри асосида маҳаллаларда 12 минг 478 та тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, шукроналик билан ҳаёт кечириш бўйича тарғибот ишларини йўлга қўйиш, аҳолини камбағаллик руҳиятидан чиқариш, уларда соғлом дунёқарашни шакллантириш борасида “Маънавий кўмакчи” лойиҳаси асосида тарғибот режа-жадваллари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, шукроналик билан ҳаёт кечириш бўйича тарғибот ишларини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллаларда “Ҳаж” ва “Умра” зиёратини адо қилиб келган нуруний отахон ва онахонлардан иборат “Шукроналик тарғиботи” гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 7 136 та тўй ихчам шаклда ўтказилди. Бу нафақат иқтисодий самара беради, балки жамиятда оддийлик ва камтарлик каби қадриятларнинг қайта тикланишига сабаб бўлади. Хулоса қилиб айтганда, маҳалла – халқнинг юраги, жамиятнинг таянчи ва келажак пойдевори ҳисобланади. Миллийликни асраш, тўй-маросимларни соддалаштириш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш орқали мамлакатимизда ҳамжиҳатлик ва тинчлик қарор топмоқда. Бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг фаоллиги, масъулияти ва ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки маҳалла фақат бир ҳудуд эмас – у бутун жамиятнинг юраги, халқнинг бирдамлигини ифодаловчи улўф маскандир.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАОБОД ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАДБИРКОРНИНГ ТАНЛОВ ВА ТАДБИРИ ТЎҒРИ БЎЛСА, ИШЛАШГА ИШТИЁҚМАНДЛАР САФИ ОРТАДИ

ҲУНАР БИЛАН ҚАЛЪ ХОТИРЖАМ, ҲАЁТ МАЗМУНЛИ

Бахтли яшашнинг формуласи борми? Инсон ўтаётган ҳар лаҳзасидан завқ туйиши учун нималар керак? Кимдир бойлик, яна биров яқинларининг меҳр-муҳаббатини ҳаёлидан ўтказган бўлиши аниқ. Лекин киши қалбан хотиржамликка эришмагунча барчаси бекор. Бунинг учун, аввало, қалбимизга таскин берадиган машғулотиимиз бўлиши керак.

Улуғбек
ЮСУФАХМЕДОВ,
Пахтаобод
туманидаги
“Қорашоқ”
маҳалласи раиси.



Хонадонларни айланиб юрганда, доим хунаремандларни иш устида учратаман. Ортиқча гаплашиш, бирор мавзун муҳокама қилишга вақти бўлмайди. Хатога йўл қўйишдан қўрққандек, диққатини бошқа нарсаларга қаратмайди. Шу зайдла меҳнат қилиш кишига хотиржамлик бағишлайди. Баъзан берилиб ишлаганидан вақт қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолади. Муҳаррамхон опа маҳалламизнинг моҳир дўппидўзларидан. Ўқувчилик давридан бошлаб онасининг ёнида хунар ўрганиб, бир-биридан бежирим дўппилар тикади. Бугун унинг атрофида иш ўрганиш ниятидаги шогирдлари жуда кўп. Биргаликда қўли-қўлига тегмай, меҳнат қилишади. Тадбиркор 2 нафар аёлни уйда банд қилган бўлса, яна икки нафарини касаначилик асосида иш билан таъминлаган. Маҳалла тизимидаги фаолиятимиз 2023 йилда бошлаган бўлсам, шу даврга қадар аҳоли орасида миллий қадриятларни асраш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тўй ва маъракаларни қисқартириш йўналишларида кўзга кўринарли натижаларга эришиб келяймиз. Худудимиздаги 2 470 нафар фуқарога турли йўналишлар бўйича кўмаклашяпмиз. Биринчи навбатда, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, бизнес бошламоқчи бўлганларга кредит ва субсидия ажратиш, хотин-қизларни касб-хунар эгаси бўлиши учун режалар тарзда тадбирлар амалга оширилипти. Фуқароларнинг кўпчилиги деҳқончилик ортидан даромад топади. Бунда шולי етиштириш етакчи ўринда туради. Мазкур экин ортидан оилалар яхши даромад топяпти. Қолаверса, ҳосил йиғиб олинган, қўшимча тарзда бошқа полиз маҳсулотлари экилади. Улуғбек Солиев – моҳир боғбонларимиздан. Ҳали ёш бўлишига қарамай, янгилик қилишдан қўчимаиди. У ўтган йили Фарғонадан янги ва серҳосил гилос навини олиб келди. 350 тул гилос бир йилдаёқ ҳосил беришни бошлади. Қўриб турганингиздек, меҳнат қилган инсон умрини мазмунли ўтказаяди. Топаятган даромади билан катта натижаларга эришади. Энг муҳими, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшади.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
РАХИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

МАНЗАРА



Деҳқончилик
қилиш
иштиёқидаги
кишиларга
15 сотихдан
берилган ижара
ерларида ҳам
жараён жуда
қизғин.



“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” — ҚИММАТЛИ ТАВСИЯ ВА ТАЖРИБАЛАР МАНБАИ



Улуғбек АБДУРАИМОВ,
Пахтаобод туманидаги
“Сой” маҳалласи раиси:

– Доим “Mahalla” газетаси ёки “Mahalla ko'zgusi” журналин вақрақлаганда, юртимизнинг турли гушларидан бунёдкорлик ва ўзгаришларга гувоҳ бўламан. Бир-биридан кўрам тус олаётган маҳаллаларни кўрганда, ҳавасим ортади. Давлат ва ҳимойлар кўмағида ҳудудлар инфратузилмасининг яхшилаётгани аҳоли вакилларининг тўла-тўқис турмуш кечиришига замин яратиши шубҳасиз. Маҳалламиз йил бошида “оғир” ҳудуд сифатида танлаб олинган эди. Айни вақтда 8,5 км. ички кўчаларимиз асфальт қилиниши керак. Бу лойиҳа махсус дастур асосида тасдиқланган бўлиб, тез фурсатларда амалга оширилишига умид қилаймиз. Тизим наشري ҳисобланган “Mahalla” газетасидан фаолиятимиз учун керакли бўлган йўлиқ ва тавсиялар ҳам оламиз. “Еттилик” ходимларининг қимматли тавсия ва тажрибалари жуда асқатляпти. Шундай экан, уларга обуна бўлиш биринчи галдаги мақсадимизга айланган.

Мавлонберди ЭГАМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Пахтаобод тумани бўлими бошлиғи.

“Маърифат” маҳалласи мисолида оладиган бўлсак, жорий йилда ҳудудда иккита йирик текстил корхонаси иш бошлади. Исроилжон Ураимов ва Лутфулло Йўлдошев ташаббуси асосида фаолият олиб бораётган мазкур цехларда айни вақтда 500 нафар фуқаро меҳнат қияпти. Тадбиркорнинг ҳар бирига маҳалла тавсияси билан 100 миллион сўмдан кредит берилди. Табиий матодан тикилган болалар ва аёллар кийимлари, асосан, хориж давлатларига экспорт қилиш учун мўлжалланган бўлиб, сифат жиҳатидан жуда юқори баҳоланмоқда. Ходимларга қилаётган ишидан келиб чиққан ҳолда 5 миллион сўмгача маош берияпти. Бундан ташқари, 24 та эҳтиёжманд хонадон вакилларига субсидия асосида иссиқхона қўриб берилди. Уларга экилган лимон дарахтлари анча ўсиб қолди. Ернинг бўш қолган қисмида эса полиз маҳсулотлари ҳамда қўқатлар етиштириляпти. Биргина шу ташаббус орқали оилалар турмуш шароити яхшиланди, даромади ошди. Ер билан тиллашиш сирини ўрганишди. Деҳқончилик қилиш иштиёқидаги кишиларга 15 сотихдан берилган ижара ерларида ҳам жараён жуда қизғин. Одамлар бир-биридан кўриб, илҳомланиб, маҳсулотлар қаторини кенгайтиряпти. Шу орқали ўзини ўзи банд қилиб, рўзғорига барака киритяпти. Мазкур маҳалладан “Камбағал оилалар реестри”га 82 та хонадон киритилган эди. Манзилли ёндашув асосида ҳозир улар 21 тани ташкил этмоқда. “Еттилик” вакилларининг сай-ҳаракатлари секин-аста ўз самарасини берапти. Хусусан, бир оила шароити ўрганилганда, эркекнинг ноғиронлиги борлиги, турмуш ўртоғи ҳеч қаерда ишламаслиги учун кийналиб кун кўраётгани маълум бўлди. Уларга ёрдам бериш мақсадида кредит ажратилди ва маблағ эвазига қорамол сотиб олишди. Аёлни эса мактабга тозалик ходимаси сифатида ишга жойлаштирдик. Қолаверса, ҳар ойда 2 нафар фарзанди учун болалар пули ва эрига ноғиронлик нафақаси берилади. Умуман олганда, уларнинг турмуши аввалгидан анча яхшилланган. “Ўзар” маҳалласида ҳам хонадонма-хонадон юриб, тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича тавсиялар берияпти. Паррандачилик, чорвачилик ҳамда иссиқхона йўналишларида янги ташаббусларни амалга ошириш учун керакли ёрдамлар кўрсатияпти. 10 та хонадон узумчиликка йўналтирилиб, ерга қадалган турли навдаги ток қўчатлари анча бўй қўзиб қолди. Мазкур ҳудуддан миграцияга кетганлар 256 нафар эди. Шу кунларда кўрсаткич анча қисқариб, 187 тага тушди. Юртимизга қайтиб келаётганларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида кредит ва субсидиялар ажратияпти. Натижада кўпчилиги ўз яқинлари ва оиласи бағрида қолишни афзал кўряпти. Туманнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга молик. Сабаби, барчасидан кўзланган мақсад – аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлаш, уларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб умр кечиришдан иборат.



Президентимиз
Америка Қўшма
Штатлари
Юта штатининг
БИЗНЕС
ДЕЛЕГАЦИЯСИ
билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари
ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ
Оқсоқоллар кенгаши
раиси Бинали
Йилдиримни
қабул қилди.



Америка-Ўзбекистон
ишбилармонлик ва
инвестиция кенгашини
ташkil этиш тўғрисида
ПРЕЗИДЕНТ
ФАРМОНИ
ИМЗОЛАНДИ.

Mahalla

№92 | 2025 йил 15 НОЯБРЬ, ШАНБА

3

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ҚўНҒИРОТ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ИШОНЧ КўПРИГИ”НИ МУСТАҲКАМЛАШ АСОСИЙ МАҚСАДГА, ҲАЁТИЙ АЪМОЛГА АЙЛАНГАН

Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир маҳалла ва овулда юз бераётган ўзгаришлар халқимиз ҳаётига янги нафас, янги руҳ олиб кириб, масъулият, дахлдорлик ҳиссини уйғотмоқда. Шу маънода маҳаллалар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, уни аҳоли билан давлат орасидаги ҳақиқий кўприкка айлантириш — бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Серик УСЕНОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси
Қўнғирот тумани
бўлими бошлиғи.



Қўнғирот туманида фаолият юритаётган 39 та маҳалла жамоаси ана шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда. Йиғинларда халқ билан яқин мулоқот, муаммоларни жойида ҳал этиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзлаб инсонлар ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирапти.

Аввало, “маҳалла еттилиги” тизими самарали йўлга қўйилгач, ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг муаммолари уйма-уй ўрганилганди. Жорий йилнинг ўтган даврида 43 мингдан ортиқ хонадон ҳолати таҳлил қилинди, улардан 2 800 тасида турли ижтимоий муаммолар аниқланди ва жойида ҳал этилди. Шу жараёнда 512 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди, 370 нафар ёш тадбиркорга микрокредитлар ажратилди, 140 нафар хотин-қиз касб-хунар курсларига жалб этилди.

“МЕН ОБУНА бўлдим, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”, бу —
фаолиятимизнинг
“йўл харитаси”

Бахтиёр
Йўлдошев,
Қўнғирот
туманидаги
“Санъат”
маҳалласи
раиси:



— Бугун ахборот олишнинг минг бир йўли бор: интернет, ижтимоий тармоқлар, газета, китоблар — буларнинг ҳар бири керак. Аммо менинг фикримча, маҳалла фаолининг ҳақиқий ҳамроҳи — бу матбуот, хусусан, “Mahalla” газетасидир. Чунки газета ҳар доим ҳаётнинг ўзи билан ҳамнафас, фаолиятимиз билан узвий боғлиқ.

Маҳалла раҳбари сифатида газетанинг ҳар бир сонини қўлга олганимда, унда ўз фаолиятим учун керакли жиҳатларни топаман. Кимдир ёшлар билан ишлашдаги тажрибасини бўлишган, яна кимдир оилалар тотувлигини таъминлашнинг янги усулини ёзган. “Mahalla” орқали биз нафақат янгиликдан хабардормиз, балки тизимдаги ҳар бир янгича ёндашув, қарор ёки ташаббуснинг мазмун-моҳиятини ҳам тўлиқ англаймиз. Чунки газета фақат хабар берибгина қолмайди, ўйлантиради, таҳлилга чорлайди, фаолиятимизга янги руҳ бағишлайди.

2025 йил давомида “Mahalla” мен учун иш фаолиятимнинг “йўл харитаси” бўлди. Шу боис 2026 йилга ҳам обуна бўлдим. “Mahalla”ни ўқиш — биз учун эҳтиёж.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ва ажралишларнинг олдини олиш — асосий эътиборимизда. Маҳаллаларда ташкил этилган “Мустаҳкам оила — юрт таянчи” акцияси натижасида ўтган йилга нисбатан оилавий ажралишлар 18 фоизга камайдди. 110 та яраштирилган оила яна ҳаётини давом эттираётгани бунинг яққол исботидир.

Ҳар чоракда маҳаллалар кесимида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича “Тинч маҳалла” лойиҳаси амалга оширилиб, 39 та маҳалланинг 28 таси “яшил тоифа”га киритилди.

Эндиликда маҳалла ҳаётида рағбатлантириш тизими кенг қўлланилмоқда. Йил давомида ўтказилган “Энг фаол маҳалла еттилиги” ва “Обод кўча — обод юрт” танловларида 12 та маҳалла фаоллари Қорақалпоғистон Республикаси даражасида ғолиб бўлиб, уларга 180 миллион сўмлик пул мукофотлари, фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди.

Шунингдек, 700 нафардан ортиқ “бийлар” жамоат ишларида фаол иштирок этаётир. Улардан 65 нафари турли даражадаги ташаббуслари учун рағбатлантирилди. Мисол учун, “Ёшлар учун намуна бўлган оқсоқол” номинациясида “Қорақалпоқ” маҳалласидаги Бекназар ота Оролбоев биринчи ўринни олди.

Кўчабошилар фаолияти ҳам тобора жонланмоқда. “Энг фаол кўчабоши” танловининг туман босқичида 48 нафар фаол қатнашди, шулардан 5 нафари ҳудудий босқичга йўланма олди. Ғолиблар ноутбук ва маиший техника билан тақдирланди.

Йил давомида “Маҳалла бюджети” орқали маҳаллаларга умумий ҳисобда 2,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу маблағлар йўл таъмири, кўча чироқлари ўрнатиш, гулзорлар яратиш ва “Яшил макон” тадбирларига сарфланди. Шу орқали маҳаллаларимиз нафақат ташқи жиҳатдан, балки маънавий томондан ҳам обод бўлиб бормоқда.

Маҳалла — халқнинг юраги, давлатнинг энг яқин таянчи. Биз учун ҳар бир хонадоннинг фаровонлиги, ҳар бир фуқароннинг розилиги — энг катта натижа ҳисобланади. Шу боис олдимиздаги асосий мақсад — халқ билан давлат орасидаги “ишонч кўприги”ни янада мустаҳкамлаш, ҳар бир муаммога жамоа бўлиб ечим топиш, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишдир.

...2001 йил мен учун эсдан чиқмас йил бўлган. Ўшанда биринчи марта маҳалла тизимининг қуйи бўғинида фаолият бошлаганман. Ҳали ёш, тажрибасиз бўлсам-да, одамларга хизмат қилиш, уларнинг ишончини қозониш мен учун шараф эди.

Пўлат ҚОЗОҚБОВ,
Қўнғирот туманидаги
“Таллик” маҳалласи раиси.

Орадан йиллар ўтди, бугун эса маҳалладошларим менга ишонч билдириб, раислик вазифасига сайлашди. Ҳар куни шу ишга киришар эканман, ўтган йигирма тўрт йил давомида тўплаган тажрибаларим ёдимга тушади...

Маҳалламиз кўп миллатли, еттита миллат вакиллари тинч-осойишта, аҳил-иноқ яшайди. Аҳоли сони 3 578 нафарга етди. Кўпчилик турли ҳудудлардан кўчиб келиб, шу ерда ўз уйини қурди, ризқ топмоқда.

Ҳар бир хонадоннинг ўз меҳнат йўналиши бор. Шундай бўлса-да, деҳқончилик — асосий тирикчилик манбаи. Хонадонларнинг қарийб 70 фоизи ер билан боғланган. Ҳар бир оиланинг 8 сотихча ер майдони бор.

Масалан, Бенжиков Аллаёров икки сотих ерда баҳор ва кўзда бодринг етиштириб, бозорга чиқаради. Биозумусни ҳам ўзи тайёрлайди. Ердан олган ҳосилни нафақат сотади, балки қўшниларга ҳам арзон нархда тақдим этади. Ҳар йили янги усуллари синаб, ерни тўғри парваришлаш бўйича ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Маҳалламизда чорвачилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир хонадонда камиди бир неча бош мол бор, айримлар гўшт, сут, пишлоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу нафақат оила иқтисодида, балки маҳалланинг умумий баракасида

МУАММОГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БўЛИШ НАТИЖАНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Ҳар қайси ҳудудда, ҳар бир хонадонда, табиийки, катта-кичик муаммолар бўлиб туради. Мен йиллар давомида шуни англаб етдимки, муаммонинг ўзи эмас, балки унга қандай муносабатда бўлишимиз натижани белгилайди. Ўқитувчиликдан бошлаб директорликка, ундан нафақага чиққан вақтимдан буён маҳалла раиси сифатида ишлаётган эканман, энг катта бойлигим тажрибам бўлиб қолди...

Қутли ҚОШИМБЕТОВА,
Қўнғирот туманидаги
“Қорақалпоғистон” маҳалласи раиси.

Маҳалла раиси, аввало, психолог бўлиши керак. Чунки одам олдингизга кириб келаётганда унинг ҳеч нарса демасидан туриб, дардини сезиш, бу — йиллар давомида шаклланадиган маҳорат. Баъзан бир қарашнинг ўзи кифоя қилади. Қай ҳолатда бўлса, қандай муаммо билан келаётганини билиб турасиз. Шуни тўғри англай олсангиз, яхши натижага эришамиз.

Фахр билан айтаманки, маҳалламизда ҳозирча оилавий ажралишлар йўқ. Аммо, албатта, шунинг ёқасидан ўтиб кетай, деган оилалар бўлиб туради. Яқинда шундай бир ёш оилани яраштирдик. Келин бир неча марта ота уйига кетиб қолган, асосан, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлардан. Келинни қайтариб олиб келиб, иккаласи билан ҳам суҳбат ўтказдик. Бундай вазиятда айтган ҳар бир сўзнинг оғирлиги бўлади, ҳар бир маслаҳат ўлчовли бўлиши керак.

Мен кўп ҳолларда ўз ҳаётимдан мисоллар келтираман. Чунки самимият одамни тезроқ эрита олади.

Ҳаётнинг паст-баландини, қийинчиликлар қандай енгилишини ўз бошимдан ўтган воқеалар орқали тушунтираман. “Ҳаётда бунақа синовлар кўп бўлади,” дейман уларга.

Келинга юзланиб, аввал уни мактайман: “Сиз яхши қизсиз, ақлли-сиз, ахлоқингиз чиройли”. Биринчи навбатда қалбини юмшатиш керак. Шундан кейин охиш камчилигини ҳам тушунтираман. Масалан: “Мана бу жойда қайнонангизга жавоб қайтармасангиз, жанжал чиқмас эди,” — деб гап орасига айтиб кетаман. Оддий мисол: эрталаб чой ичилганда бир пиёла ювилмай қолади. Қайнона бир айтади, икки айтади, келин қилмайди — мана шу кичкина нарсаси ҳам баъзан катта келишмовчиликка сабаб бўлади. Буни тушунтириш учун аввал келиннинг юрагига йўл топиш зарур.

Бу оилада икки фарзанд бор, эр-хотин ишлайди, уйда эса биргина келин. Шунинг учун келин ҳам қийналади, қайнона-қайнота ҳам эътибор кутадди. Қайнонага “Келинни “қизим”, деб билинг”, дедим, келинга эса “Қайнонанинг дуоси — уйга барака”, деб уларнинг муроаси қилишига эришдик. Бугун уларнинг муносабатлари яхшиланди, бир-бирини тушунишди ва жуда яхши яшашаяпти. Мана шу — менинг энг катта қувончим.

Янги сайланган раисларга бир нарсани айтардим: биринчи навбатда сабр қилишни ўрганиш керак. Одам сизга дардини айтиб келганда, уни бўлмасдан, чалғимасдан, сабр билан тинглаш — раиснинг энг катта вазифасидир. Ҳар бир дардининг ечимини бор, фақат аввал уни эшитиш керак. Кўплар маҳаллага келади, муаммони кўради-ю, оғирлигини билиб, ишини ташлаб кетади. Чунки маҳаллани бошқариш осон эмас. Лекин агар сиз ўша одамнинг дардини ўзингизнинг дардингиз деб билсангиз, маҳаллани оила деб кўрсангиз, ҳар қандай муаммога, албатта, чора топилади.



НИГОҲ

ТАВАККАЛЧИЛИККА МЕҲНАТ БИЛАН САМАРАСИ ҚУВОНАРЛИ БўЛАДИ



“Таваккал қилдим, лекин меҳнат билан таваккалга қўл урса, натижа бўлади”.



ҳам ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнда тадбиркорликка ҳам катта аҳамият бераймиз.

Мисол учун, Ҳиломжон Айдиев паррандачиликни ривожлантирган. Илк мартада 100 миллион сўм субсидия олиб, 1 000 та бройлер билан иш бошлаган эди. Ҳозир у 1 500 та товуқни парваришлаб, 10 нафар маҳалладошимизни иш билан таъминлади. Бройлер боқишни бир қарашда осон деб ўйлаймиз, лекин бу иш жуда нозик. Қарорат, ёруғлик, озуқа, ҳаво айланиши — ҳаммаси назорат талаб қилади. Ҳиломжон ака бу сирни яхши билади. Бир кун шундай деди: “Таваккал қилдим, лекин меҳнат билан таваккалга қўл урса, натижа бўлади”. Шундай одамлар маҳалламизда бор экан, барака ҳам бор.

Бугун мен фахр билан айта оламан: маҳалламизда меҳнат бор, бирдамлик бор, қувонч бор. Ҳар куни маҳалла идораси эшигидан одам қиради, масала билан келади, гаплашамиз, маслаҳатлашамиз. Кимгадир йўл кўрсатамиз, кимгадир қўмақлашамиз. Шу орқали инсонлар юзида табассум кўриш — мен учун энг катта мукофот.



Ҳисоб палатасининг “ДАВЛАТ АУДИТИ” дастурий комплексидан фойдаланиш тартиби белгиланди.



2026 йилдан “Тошкент — Урганч — Хива” йўналишида “HYUNDAI ROTEM” тезюрар поездлари ҳаракатланади.



Йил бошидан бери ЧИҚИНДИЛАРНИ БЕЛГИЛАНМАГАН ЖОЙГА ТАШЛАШ билан боғлиқ салкам 10 мингта ҳолат аниқланди.

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ЧИРОҚЧИ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ИЛМГА АСОСЛАНГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИНСОН ВА МАҲАЛЛАГА УЗВИЙ БОҒЛАНГАН

ЖАРАЁН



ЖАРАЁНГА РАИС ЭМАС, “ЕТТИЛИК” АЪЗОЛАРИ ҲАМ МАСЪУЛ

Чироқчиликлар азалдан ишбилармон халқ. Юртимизда табдиркорларга яратилаётган қулайликлар туфайли савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқлари кенг ривожланди. Уларнинг аксарияти кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган.

Момосулов БЕРДИҚУЛОВА,
Чироқчи туманидаги
“Чироқчи” маҳалласи раиси.

Бу ерда Ғанишер Жалолов раҳбарлигида мавсумий кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаётган “Чироқчи бюрсин” тўқимачилик комбинатининг ўзида 250 нафар фуқаро доимий даромадга эга. Ушбу саноат зонасида Ғанишер сингари кўплаб табдиркорларнинг лойиҳалари рўёбга чиқяпти. Масалан, Азамат Бўстонов 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, турли хил мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шунингдек, бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳўжалик қоғозлари ва алюмин эшик-деразалар ишлаб чиқарилмоқда.

Асосий – Мустақиллик кўчасида 35 та тикувчилик ва 10 та турли хил ширинликлар тайёрловчи шохобчалар фаолият юритяпти. Уларнинг учтаси Нилуфар Мўминовага қарашли. У аввал “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган. Сўнг имтиёзли кредит олиб, ширинликлар тайёрлашни бошлади. Ҳозир 25 нафар хотин-қизни даромадли қилиб, бешта тўйхонани ширинликлар билан таъминляпти.

“Аёллар дафтари”да турган Феруза Ниёзова ҳам имтиёзли кредитга тикув машинаси харид қилиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда саккиз нафар ишсиз аёлни ёнига олиб, буюртма асосида келин-куёвларнинг кўрпа-ёстиқларини тикияпти.

Яна бир аёлимиз – Зарина Назарова миллий либослар тиқишни йўлга қўйиб, беш нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади.

Маҳаллада ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилган табдиркорлик субъектларидан ташқари, ҳудуддаги “Сарбон” буюм бозорида аҳолининг ўттиз фоизи ишлайди. Аксарияти таълим, санъат ва маданият муассасаларида, шифохона ва боғчаларда меҳнат қилади.

Худуд жавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш учун кўчаларга тунги ёриткич чироқлари ҳамда замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатилляпти. “Сарбон” бозоридаги ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш учун “маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан яна олтишта видеокузатув қурилмаси харид қилинади.

Маҳалла тизимидаги 23 йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, “маҳалла еттилиги” тизимини янада самарали ташкил этиш учун барча топириқлар ижросини фақат маҳалла раисларидан эмас, балки ҳар бир йўналишга масъул “еттилик” аъзоларидан талаб этиш керак. Шунд натижа бўлади.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Рустам
ЮСУПОВ тайёрлади.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти маҳалла, оила билан узвий боғлиқ. Шундай экан, маҳалла обод, хонадонлар тинч, маҳалладошлар аҳил-иноқ бўлса, турмуш янада файзли ва фаровон бўлади. Шу боис оилаларда ижтимоий-соғлом муҳитни яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бахтиёр ХОЛИЁРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Чироқчи тумани бўлими бошлиғи.

Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни алоҳида. Чунки улар аҳоли мурожаатларини ҳал этиш, турмуш даражасини яхшилашда барча имкониятларни ишга соляпти. Амалга оширган ишлари бўйича тегишли фуқаролар йиғинида ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот беряпти.

“Еттилик”ка қўйилган асосий вазифалардан бири – маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Бу борада жорий йил бошида барча маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, “Омбор китоби” шакллантирилди. Ҳар бир маҳаллада ишсиз фуқаролар билан манзилли ишлаш бўйича “Бандлик дастури” тузилган. Хусусан, Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси асосида “Омбор дафтари”га киритилган 1 962 минг нафар ишсиз фуқаронинг 80 фоизи даромадли қилинди. Натижада 10 та маҳалла ишсизликдан, 28 та маҳалла жиноятчиликдан, 15 та маҳалла эса оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантирилди.



Чироқчи туманидаги 3-сонли политехникумда Германиянинг Лейпциг шаҳри Хунармандчилик палатаси ҳамда “Авестос” компанияси билан ҳамкорликда тўлиқ немис таълим стандартларига асосланган касбий таълим тизими жорий этилди.



“Жар” маҳалласи ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда ўттизга яқин табдиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиб, мебель, турли хил қурилиш материаллари ҳамда печ ишлаб чиқаряпти. Натижада 150 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди.

Амир Темур номидаги маҳаллада икки километрик “Саломатлик йўлаги” қурилган бўлса,

ла биносини янгидан қуриш ҳамда 6 тасини реконструкция қилиш режалаштирилган. Жорий йил “Чоршанба” маҳалласининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда “Чилживут” маҳалласи биноси қурилиш жараёнида. Тез орада “маҳалла еттилиги” замонавий хизмат хоналарига эга бўлади. Шунингдек, 19 та маҳаллада амалий ишлар изчил давом этапти.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“МАҲАЛЛА”НИ ФАҚАТ ЎҚИШ ЭМАС, УҚИМОҚЛИК ҲАМ КЕРАК

Мухлис ОЧИЛОВ,
Чироқчи туманидаги “Чилживут” маҳалласи раиси:

– Жорий йил маҳалладошларим менга ишонч билдириб, “Чилживут” маҳалласи раиси этиб сайлади. Иш фаолиятини самарали ташкил этиш учун “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журналининг ўқиб бораётганман. Унда маҳалла тизимида оид қонун ҳужжатлари билан танишиб, ҳамкасбларимнинг тажрибасини ўранияман.

Қисқа фаолиятим давомида 154 нафар фуқарога тикувчилик, балиқчилик, чорвачилик каби турли йўналишлар бўйича имтиёзли кредитлар ажратдик. Уларнинг 41 нафари 7 бошдан 14 бошгача қўй олишди. 10 нафар фуқаро балиқчиликни йўлга қўйди. Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларга харидор ҳам топиб бердик. Ҳозир 22 та балиқчи маҳсулотларини водий бўйлаб сотишяпти. 19 нафар ишсиз хотин-қиз тикувчилик йўналишида

ўқитилди. Яқин орада яна 11 нафари ўқитилади. Уларни бир жойга жамлаш учун 30 ўринли тикувчилик цехи қураётимиз.

“Еттилик” ва аҳоли яқдл ҳаракат қилса, барча муаммоларни ҳал этиш мумкин. Бунини иш тажрибам мисолида қўраётман. Масалан, 1,5 миллиард сўмлик намунали маҳалла идораси биносини қураётимиз. Ҳозирга қадар 700 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари йиғилиб, қурилиш ишлари жадал давом этаётти. Яна 2,6 километр тупроқ йўлларимизни ҳашар ёрдамида шўғаллаштиряпмиз. Қувонарлиси, ҳар бир хонадонга қувур тортиб, ичимлик сув киритдик. Одамларнинг замон билан ҳамнафас бўлишлари учун “wi-fi” ҳам ўрнатдик. “Маҳалла бюджети” маблағи ҳисобидан 17 та темир устун харид қилдик.

Буларнинг барчаси маҳалла тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасидир. “Mahalla” газетасида қилинган ишлар билан бирга, ижтимоий муаммоларни ҳам ёритиш зарур, деб ўйлайман.



ҲОЛАТ

“ҚИЗИЛ”ДАН “ЯШИЛ”ГА, ИШСИЗЛИКДАН БАНДЛИККА АЙЛАНГАН ҲУДУДМИЗ

Зарнигор Нарзиева “Камбағал оилалар реестри”га киритилгач, ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Унга балиқ эмас, балки қармоқ берилди. Дастлаб “маҳалла еттилиги” кўмағида 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Зарнигор ушбу маблағга тикув машинаси харид қилиб, ўз хонадонидида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди.



Тўй ва маросимларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш мақсадида ҳар чоракда маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этаймиз. Шунингдек, ҳар ойда бир маротаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар ўтказамиз.

Мухайё МАҲМУДОВА,
Чироқчи туманидаги
Навой номидаги
маҳалла раиси,
туман Кенгаши депутати.

Бугун Зарнигор туманининг олди чевар тикувчиларидан бири. Буюртмалар кўплигидан қўли-қўлига тегмайди. Шу боис тўртта ишсиз хотин-қизни ишга олиб, аёллар кийимлари, парда, кўрпа-ёстиқ, хуллас, аҳолига нима керак бўлса, барчасини тикиб, ўз даромадига эга бўлди. Қувонарлиси, “Камбағал оилалар реестри”дан чиқиб, ўз бизнесига эга табдиркорга айланди.

Муҳиддин Қулмаматов ҳам ана шундай имконият

лардан самарали фойдаланиб, катта пишириқчи табдиркорга айланди. Ҳозирда у 7-8 хил ширинлик маҳсулотлари тайёрлаб, бутун туманини таъминляпти. Шу орқали ўзини ҳам, ўндан ортиқ маҳалладошини ҳам даромадли қилляпти.

Асли касби шифокор бўлган Сардор Чўлпиев уйда ишсиз ўтирган аёлини даромадли қилиш мақсадида икки қаватли бино қуриб, бу ерда тикувчилик цехи ва болалар ўқалаш хонасини ташкил этди. Ҳозир аёли билан бирга, ўзи ва яна беш нафар ишсиз фуқаро қўшимча даромад топапти.

Кўп миллатли маҳалланинг асосий “драйвери” – савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қисман чорвачиликдан иборат. Айниқса, новвойхона яхши ривожланган. Бугунги кунда саккизта новвойхона туман аҳолисининг 30 фоизини нон билан таъминляпти. Олти ширинлик ишлаб чиқарувчилар қандолат, торт ва ҳолва каби турли хил ширинликлар тайёрлаб, савдо дўконларига етказиб беряпти. Иккита тикувчилик цехида ўн нафар хотин-қиз доимий даромадга эга.

“Еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгач, камбағал оилалар даромадли қилиниб, ишсизлик кескин қисқартирилди. Нурунийлар, отиноий ва имом-хатиб иштирокида олиб борилаётган тарғибот ишларимиз натижасида оилавий ажралишларга барҳам берилди. Жиноятчилик қисқаририлди. Нурунийлар, отиноий ва имом-хатиб иштирокида олиб борилаётган тарғибот ишларимиз натижасида оилавий ажралишларга барҳам берилди. Жиноятчилик қисқаририлди. “Қизил” тоифадан “яшил” тоифага ўтдик. Энг муҳими, замонавий маҳалла идораси қурилиб, ҳудуд қиёфаси замонавий кўринишга келди.



“ТАРТИБГА СОЛИШ ҚУМДОНИ” тамойили доирасида ипотека облигацияларининг муомаласини амалга ошириш тартиби белгиланди.



Эндиликда 14-18 ёшдаги вояга етмаган шахслар ўзлари мустақил тижорат банкларида БАНК КАРТАСИНИ ОЧИШЛАРИ мумкин бўлади.



Риелторлик ташкилотларининг кўчмас мулк объектларини ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ НАМАНГАН ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНГАЧ, ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛЯПТИ, ТУРМУШ ТАРЗИ ЎЗГАРЯПТИ

Наманган шаҳри нафақат гўзаллик ва нафосат маскани, балки тадбиркор ва ишбилармонлар шаҳри ҳам. Лекин жуда катта иқтисодий имкониятга эга бўлишига қарамай, яқин-яқингача ёрдамга муҳтож, қолюқ аҳволга тушиб қолганди.

Нуриддин АРСЛОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган шаҳар бўлими бошлиғи в.в.б.

Ўтган қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар қилинди, шаҳримиз иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан юксалди. Кўча ва хиёбонлардаги янгиланиш, гўзаллик ва бунёдкорлик ишлари маҳалла ҳамда хонадонларга кўчди. Янги турар жой мажмуалари замонавий архитектура билан миллий безакларни ўзида мужасам этиб, инсонларга қулайлик, қувонч бахш этапти.

“Даштбор” маҳалласида сўнгги йилларда салмоқли ютуқларга эришилди. Маҳалла номи билан аталган кичик саноат ҳудудида



ҳозирги кунда эллиқдан ортиқ тадбиркорлик субъекти бўлиб, минглаб маҳаллий аҳоли доимий меҳнат қиляпти. Сўнгги уч йилда 60 дан зиёд янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 50 нафардан ортиқ кишига бизнесни бошлаш ва ривожлантириш учун имтиёзли кредит тақдим қилинди. Икки юз нафардан зиёд фуқаро расмий иш ўринларига эга бўлди.

Олти тоифада “Аёллар дафтари” шакллантирилиб, юз нафардан ортиқ хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. “Қизил ҳудуд” тоифасида турган маҳаллада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайиши ҳисобига “сарик ҳудуд”га айланишига эришилди.

“Шарқ тонги” ва “Чорсу” маҳаллалари кесишмасида жойлашган Самарқанд кўчасида “Миллий

хунарамдчилик туризм маркази” ташкил этилди. Ушбу кўчадаги хонадонлар замонавий кўри-нишда таъмирланиб, коммунал тармоқлар янгиланди.

Яқин йилларда шаҳримизни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш ниятидамыз. Бунинг учун аниқ чоралар белгилаб олганмыз. Мисол учун, мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ўтказиляпти.

Куни кеча Наманган шаҳар ҳокимлиги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ана шундай тадбирнинг навбатдагисини ташкил этди. Унда 125 та корхона-ташкilot 1,5 минг бўш иш ўрни билан қатнашди. Қолаверса, маҳаллаларда касаначилик асосида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ҳам иштирок этди. Муҳими, шу куни 47 нафар фуқарога ишлаш учун йўланма берилди. Уларнинг 27 нафари хотин-қизлар. 34 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитиш учун йўналтирилди.



Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида “йўл харита”си ишлаб чиқилган бўлиб, зарур ишлар бажарилляпти.

Жумладан, “Маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан 59 та ййинига 97 та юзини танийдиган ва автотранспорт рақамини аниқлайдиган камера ўрнатилди. “Сардоба” ҳамда “Оби ҳаёт” маҳаллаларида “Хавфсиз кўча” ва “Хавфсиз йўлак” яратиш бўйича видеокузатув воситалари, ёри-



тиш чироқлари ҳамда ташвиш тугмалари қўйилиб, аҳоли гавжум жойлар кўриқлаш қурилмасига уланди.

“Ёттилик” ходимларининг кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режаси, тадбирлар дастури тайёрланиб, ҳафтанинг ҳар бир кунига рамзий ном берилди. Бу ўзига хос ташаббусга кўра, душанба — маданият ва санъат, сешанба — оммавий ва миллий спорт, чоршанба — маънавият ва маърифат, пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш, жума — саломатлик, шанба — тадбиркорлик ва бандлик кунлари этиб белгиланди.

●●●●● МАНЗАРА

“ЎСИШ НУҚТА”ЛАРИМИЗ МЎЛ ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНГАН

Одатда, ҳовлидаги томорқа ери ёки мўъжаз иссиқхонадан мўмай даромад топиб, барқарор тирикчилигини ўтказаятган оилалар, асосан, қишлоқ ҳудудида оммалашган. Гарчи шаҳар шароитида яшасак-да, бу йўналиш бизга ҳам бегона эмас...



Яҳёхон ОТАХОНОВ,
Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” маҳалласи раиси.

Масала долзарблиги учун уй атрофидаги ерлар шунчаки ўт ўсиб ётадиган бўш майдон бўлмаслигига интиломқдамиз. Бу жойлар илм, меҳнат ва ташаббус орқали даромадли бизнес, фаровонлик манбаига айланмоқда.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида “Томорқангиз бўш қолмаяптими?” номи тарғибот тадбири ўтказиш анъанага айланган. Жараёнда кимнингдир томорқаси бекор турса, қўшиллар, кекса нуронийлар тезкор муносабат билдиришади. Шу сабабли асосий “драйвер” — тикувчилик ва саноат бўлса-да, аксарият хонадонларда томорқачилик ривожланмоқда. Мисол учун, Янги Ёғдод кўчасида яшовчи Нуриддин Турсунов лимончиликдан даромад олади. Қатор орасига помидор эккан. Бунинг учун 4 сотихли иссиқхона ташкил этган. Биринчи йил 30 миллион сўм фойда кўрди. Турмуш ўртоғи “Аёллар дафтари”да

турар эди. Ҳозир рўйхатдан чиқарилди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, “еттилик” фаолияти йўлга қўйилгач, ишлар янада жонланди. Ҳар бир йўналиш тизимлаштирилди. Хатловда аниқланган муаммолар тегишли тартибда ҳал этилмоқда. Жумладан, Қаҳрамон кўчасида яшовчи Феруза Отахонованинг яшаш шароити ўрганилганда, тикувчиликка қизиқиши ва укуви борлиги маълум бўлди. Унга субсидия асосида тикув машинаси ажратилди. Бу билан ўзини ўзи банд қилиб, 10 нафар шогирдига хунар ўргатмоқда.

Хулудимизнинг яна бир ўзига хос “ўсиш нуқтаси” — тадбиркорлик. Чунки маҳаллада ишбилармон, хунарамдлар кўп. Яқингача улар уй шароитида ишлар, имконияти чекланган эди. Шу боис 10 гектар майдонда зарур инфратузилмага эга яхлит мажмуа барпо этилиб, 46 та лойиҳа жойлаштирилди.

“Мастер класс дизайн”, “Сифат ёғоч саноат”, “Баланс текс” каби корхоналар иш бошлаган. Уларда, ҳатто, қўшни маҳаллалардаги ишсиз ёшлар, хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда.

“ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛСА, БЎЛАР ЭКАН-КУ”, ДЕГАНЛАР КЎПАЙГАН, ИККИЛАНИШ, ХАВОТИРЛАР АРИГАН

Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади, деган сўз замирида қанчалар ҳақиқат ётганини тажрибада кўряпмиз. Таъбир жоиз бўлса, бу даъват соҳа ривожиди янги даврни бошлаб берди. Шу мақсадда “драйвер” соҳани ривожлантириб, ҳудуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланяпмиз.

Дилмурод МАНСУРОВ,
Наманган шаҳридаги “Ўзгар” маҳалласи раиси.

“Ўсиш нуқта”миз — эшик ва ром ишлаб чиқариш. “Ёттилик” ходимлари аҳоли даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, ишсиз фуқароларни бирор фаолият тури билан банд қилиш учун тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга алоҳида



эътибор беряпти.

Аксарият хонадон эгалари шу хунар билан шуғулланади, 100 дан ортиғида касаначилик йўлга қўйилган. Улар эшик ва ром қисмларини бўяш орқали яхши даромад топяпти.

Ҳар ойда тадбиркорлар сафи кенгаётганини кўриб, яқин ўтмишни эсга оламан. “Бўлар экан-ку, шу каби иш

ташкил этса”, деган фикр ўтади ичимдан. Бир пайтлар иштиёқи ва қизиқиши бор инсонларга “тадбиркор бўлинг”, деб тақлиф берсак, иккиланган, кўрққан. Бугун ишбилармонлик муҳити яратилгани учун “тадбиркор бўламан”, деган инсонлар сони орта бошлади.

Авазхон Нигматов ҳамда Содиқжон Жамолов ана

шундай ташаббускорлардан. Улар бўш турган ер майдонида йирик корхона ташкил этиб, ҳар бири 20 тадан янги иш ўрни яратди. 100 дан ортиқ хонадонга эшик ва дераза бериб, касаначилик асосида ишляпти. Йиллик даромади 200 миллион сўмни ташкил этапти. Айни кунда маҳсулотини хорижга экспорт қилиш бўйича келишувга эришилди.

Касаначилик — ишсизлар ва камбағал оила вакиллари-нинг бандлигини таъминлашга қулай восита бўляпти. Биргина Шухрат Исроилов шу йўналишда ишсизлар сафидан чиқарилди. Йиллик даромади эвазига уй-жойини замонавий таъмирлаб, янги автомобиль сотиб олди.

“Ёттилик” кўмагида Нозима Ҳожиакбарова иккита тикувчилик корхонаси очди. Унга бепул фойдаланиши учун бўш турган бино берилди. Натижада 12 нафар “Аёллар дафтари”даги хотин-қизнинг бандлигини таъминлади.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“МАНАЛЛА” КЎМАГИНИ ҲАР ДОИМ ҲИС ҚИЛАМАН



Акрам ҚАЮМОВ,
Наманган шаҳридаги “Чаман” маҳалласи раиси:

— Бугун одамлар газета ўқимай қўйганидан хавотирга тушаман. Айниқса, ёш авлод тарбиясида бу жиҳат яққол кўзга ташланмоқда. Тўғри, тезкор хабар, ахборот беришда интернет етакчи. Аммо маънавий, маърифий мавзуларда газета маҳалла журналига тенг келадиган восита йўқ. Газета, журнал ва

китоб ўқимаслик — инсонни таназзулга етаклайди. Аксинча, мутолаа ички оламимизни бойишди, маънавиятимизни юксалтиради. Шу боис халқ билан ишловчи ҳар бир ходим босма нашрларни ўқиб бориши керак. Тажрибада “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журналининг фойдасини доимо ҳис қиламан. Мурожаатчилар саволлари, муаммоларига жавобларни айнан сеvimли нашримиздан топаман. Шу боис ҳар йили биринчилар сафиди обуна бўламан.



Тиббиёт муассасасига мижоз РЕЖАЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ ОЛИШ УЧУН тегишли йўлланмасиз мурожаат қилганда, тиббий ёрдам пулли асосда кўрсатилади.



“Янги Ўзбекистон манзаралари”, “Буюк алломалар” ва “Замон қаҳрамонлари” каби ТУРКУМ ИЖОДИЙ АСАРЛАР давлат буюртмаси асосида яратилади.



Гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашган фуқаролар КУКРАК НИШОНИ билан тақдирланади.

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ҚАРШИ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАҚСАДИ САРИ ИНТИЛГАНГА МАРРА ЯҚИН, МАШАҚҚАТ ЕНГИЛ БЎЛАР

Давлатимизнинг ижтимоий сиёсати ҳар бир маҳаллага кириб бориш ва аҳоли талабини манзилли ҳал этишга қаратилган. Шу боис сўнгги йилларда Қарши туманидаги маҳаллаларда аҳоли турмуш шароити яхшиланиб, оғири енгил қилиняпти. Саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳалар ривожлантириляпти.

Отаниёз РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қарши тумани бўлими бошлиғи.

Биргина Қарши туманидаги “Батож” маҳалласида ҳам инфратузилма яхшиланиб, худуд ободон-



лаштирилиб, тадбиркорлик ривожланди. Тўқимачилик корхонаси, дорихона, мини-банк, озик-овқат дўконлари ва хизмат кўрсатиш устаноналари фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалладаги Касаначилик марказида тикувчилик, чарм-

дўзлик, гиламчилик маҳсулотлари тайёрланиши билан бирга, касаначиларга иш ҳам ўргатиляпти. Марказ “Батож” маҳалласидан ташқари, унга туташ “Хониён”, “Тараққиёт”, “Дашт”, “Жумабозор” каби маҳаллаларга ҳам хизмат қиляпти.

Аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг ягона йўли даромад манбаига эга бўлган иш билан шуғулланиши учун имконият яратиб беришдир. Шу боис ҳар бир маҳалланинг ўзига хос “драйвер”лари яратилляпти. Масалан, “Қуйи Бешкент” маҳалласида ўрдақчилик, “Қўчкак” маҳалласида 50 гектар ер майдонда анжир етиштириш йўлга қўйилди. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га рўйхатга киритилиб, имкония-

тига мос равишда касб-хунарга ўқитилиб, асбоб-ускуналар олиб берилмоқда, деҳқон хўжалиги ерлари ажратилмоқда, чорвачилик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар берилляпти.

Харакат қилган, мақсади сари интилган борки, яхши натижаларга эришмоқда. Масалан, “Поштон” маҳалласида яшовчи Дилафруз Нормўмино-ва субсидия асосида бир донга тикув машинаси олиб, тикувчилик фаолиятини бошлади. Айни пайтда унинг мўъжазгина тикувчилик цехида миллий анъаналарга хос ва замонавий услубдаги кийим-кечаклар, пардалар, кўрпалар тикиляпти. Қувонарлиси, у нафақат ўзи меҳнат қилмоқда, балки шоғирдлар тайёрлаш ва уларни тўлиқ ўқитиш орқали тадбиркорлиқни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.



Жорий йил “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида 4 минг 210 та хонадоннинг ташки девори, 1 321 тасининг ошхонаси, 332 тасининг тандирхонаси, 365 тасининг молхонаси ва 395 тасининг бошқа объектлари таъмирланди. Шунингдек, 843 та кўчада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

“Маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда ички йўллар, пиедалар йўлакчалари, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқова сув тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишларига 400,6 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 47 та компьютер, 23 та принтер, 25 та кондиционер харид қилинди. 9 та маҳалла биноси-га 3 кВт.ли, 3 та маҳаллага 5 кВт. қуёш панели ўрнатилди.

Аҳоли томирчасини сув билан таъминлаш мақсадида 3,7 километр лоток қўйилди. 5 донга тик суғориш қудуғи қазилиб, тўртта насос ўрнатилди. 3 километр ариқлар бетонлаштирилди. Бундан ташқари, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида “Бунёдкор” маҳалласида 50 кВт.ли қуёш панели ўрнатилди. “Оғир” тоифадаги учта маҳалланинг насос агрегатларига ҳам қуёш панеллари қўйилди.

●●●●● ЖАРАЁН
“БУГУНГИДЕК
ИМКОНИАТ ВА
ВАКОЛАТЛАР
БЎЛМАГАН...”

Янги Ўзбекистон ислохотлари Қарши шаҳрининг кунчиқар томонида жойлашган “Чаман” маҳалласида ҳам бўй кўрсатмоқда. Бешта қишлоқдан иборат 15 минг аҳоли яшайдиган йиғин худудида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилляпти.



Ихтиёр МАҲКАМОВ,
Қарши туманидаги “Чаман” маҳалласи раиси.

Сўнгги уч йилда 40 та кўп қаватли ва 325 та намунали уйлар қурилиб, юзлаб фуқаролар уй-жойли бўлди. Айни пайтда яна 20 та кўп қаватли тураржойлар қуриляпти. Қувонарлиси, 55 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этиляпти. Бу ерда инсон эҳтиёжи учун керакли барча ижтимоий объектлар — боғча, мактаб, университет, шифохона, спорт ва дам олиш масканлари ўрин олади. Эътиборлиси, 55 гектарнинг 35 гектари яшил майдонга айлантириляди.

Маҳалла тизимида 18 йил ишлаб, бугунгидек имконият ва ваколатларга эга бўлмагандим. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бўлган, имкониятларимиз янада кенгайдди. Фуқароларнинг аксарият масаласи маҳалланинг ўзидан ҳал этилиб, ишсизлик қисқарди, жиноятчилик жиловланди, оилавий ажралишларга барҳам берилляпти. Одамлар ҳам “олма пиш, оғзимга туш”, деб утиргани йўқ, бор имкониятдан фойдаланиб, даромадли бўлишга интиляпти.

Бунёдкорликлар сабаб савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик йўналиши ривожланди. Хозирда 35 та ийрик тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатяпти. Ховли-уйлардаги 2 587 та хонадон эгаларининг барчаси томорка ерларидан самарали фойдаланиб, рўзғори учун зарур маҳсулотлар экишляпти. Қўшимчасига зовур ёқаларида бўш ётган майдонлардан ер олиб, қўшимча даромад олаётганлар кўп.

Улардан бири — Шарофат Маматовадир. У 15 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, лимон экди. Яна бир қисмини боғзорга айлантирди. Руслан Отабоев 30 сотих иссиқхонада помидор ва бодринг парваришлаб, йилига 200-300 миллион сўм даромад оляпти. Хозир етмишдан зиёд фуқаро 25 сотихдан икки гектаргача иссиқхона ташкил этиб, лимон, помидор ва бодринг етиштиряпти. Бундан ташқари, юзга яқин хонадонда кичик иссиқхоналар бор.

Гулистон ва Човкай қишлоқлари Қашқадарё дарёси бўйида жойлашгани учун аҳолиси кўпроқ чорвачилик билан шуғулланади. Айрим хонадон эгалари парранда боқишни йўлга қўйди. Масалан, Бахтиёр Абдураҳмонов икки мингта товуқ боқяпти. Улар қирқ кунда гўшга тайёр бўлади.

Одамларнинг ҳамжиҳатлиги туфайли Мустақиллик қишлоғини тўлиқ ичимлик сув билан таъминладик. Бу ишларнинг эллик физи давлат дастури асосида амалга оширилган бўлса, қолган қисми аҳоли ҳисобидан бажарилди. Човкай қишлоғидаги тупроқ йўллар ҳам аҳолининг ҳомийлиги ёрдамида шағаллаштирилди.

Шундан ҳам билиш мумкинки, одамларнинг даромади, яшаш шароити йилдан-йилга яхшиланиб борапти. Яқин йилларда бу кўрсаткичлар янада ошади.

КЎҲНА МАНЗИЛ АНЪАНАВИЙ ДАРОМАД БИЛАН МАШҒУЛ

Қадимий манзил-гоҳлардан саналган маҳалла аҳолиси азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган. Хозирда ҳам аҳоли томорка ерларидан ташқари, 23 та пахта ва ғаллага, иккита боғдорчиликка, учта чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳужалиқларида меҳнат қиляпти.

Лазиз МИРЗАЕВ,
Қарши туманидаги “Патрон” маҳалласи раиси.

Эътиборлиси, улар даромадли маҳсулотлар экишга интиляпти. Хозирда етмишдан ортиқ хонадонда иссиқхона ташкил этилган бўлиб, улар лимон етиштиряпти. Рустам Тўраев ҳам беш сотихли иссиқхонасига лимон экиб, яхши даромад оляпти. Жаҳонгир Қосимов эса уч сотихли икки қаватли иссиқхонасида кулупнай экиб, аҳолини қишин-ёзин ушбу маҳсулот билан таъминляпти. Махмуд Оромовнинг иссиқхонасида апельсин, мандарин каби турли хил цитрус мевалари баравж ривожланыпти. Маҳаллада хотин-қиз-

Аҳолининг бирдамлиги сабаб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида уч марта ғолиб бўлиб, 37 километр йўлларни асфальт қилдик. 110 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди. Хозир электр энергия таъминотида муаммо йўқ.



лар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хозирда аҳолининг 30 фоиз хотин-қизлари “Султон текстиль” корхонасига қарашли “Иман” тўқимачилик корхонаси ҳамда “Қарши агро” класте-

рида ишляпти. Айримлари мактаб ва боғчаларда, баъзилари савдо-сотик ишларида банд.

Сўнгги йилларда тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар сабаб, кўпалаб фуқаролар тадбиркорлик

фаолиятини йўлга қўйди. Натижада одамлар олдингидек, туман марказига ёки Қарши шаҳрига қатнаб, вақтини ҳам, пулини ҳам кетказмаяпти. Аҳоли эҳтиёжи учун барча зарур маҳсулотлар маҳалланинг ўзидан мавжуд.

Айни пайтда “маҳалла еттилиги” эски мактаб биносининг тўртта хонасида фаолият юртияпти. Шароитлар ҳаминқадар. Шу боис 2026 йилдаги асосий режаларимиздан бири — янги маҳалла идораси қуришдир. Бу жараён бошланиб, қуриладиган ер майдони ҳам танланди. Шунингдек, фуқаролар саломатлигини таъминлаш учун қишлоқ врачлик пункт ташкил этилди. Барча савй-ҳаракатларимиз аҳолининг тинч-товуқ, фаровон яшашини таъминлашга кўмаклашидир.

“Mahalla”га “еттилик” муаммоси бегона эмас...



Азамат УСМОНОВ,
Қарши туманидаги “Омонтепа” маҳалласи раиси:

— “Mahalla” газетаси ҳар бир маҳалланинг минбари бўлиши керак. Унда тажрибалар, таклиф ва муаммолар кўтарилиши лозим. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ўзгаришлар катта. Лекин айрим маҳаллаларда “еттилик” ягона жамоа бўлиб ишлаб кетиши қийин бўляпти. Шу боис “маҳалла еттилиги”га барча вазифаларни фақат Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

бериши керак, деб ўйлайман. Хозир “еттилик”нинг ишга келиб кетишию барча топшириқлар ижроси маҳалла раисидан сўралади, лекин шунга яраша ойлик маоши бошқа аъзоларга нисбатан камроқ.

Яна бир таклифим: туман миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари учун Президентимизнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тад-

бирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юзасидан ўқув-семинар ташкил этилиши лозим.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари фаолиятига доир қонун ҳужжатлари билан танишиб бориш ҳамда ҳамкасбларимизнинг таклиф ва тажрибаларини ўрганиш учун “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga обуна бўлдим.



Сахифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Ҳукумат қарори билан “ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ФИДОЙИСИ” кўкрак нишони тўғрисида”ги низом тасдиқланди.



ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШНИНГ биринчи 2 соати учун камида 1,5 ҳисса микдорида, 2 соатдан ортиқ қисми учун камида 2 ҳисса микдорида ҳақ тўланади.



Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенция (Париж, 2019 йил 25 ноябр) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

Mahalla

№92 | 2025 йил 15 НОЯБРЬ, ШАНБА

7

СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ТЕРМИЗ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳар бир янги ташаббус ва лойиҳада фаровонлик мақсади мужассамдир

Президентимиз жорий йил 16 сентябрь куни Наманган вилоятига тапшириқ давомидаги учрашувда маҳаллаларни обод қилиш мақсадида юртимизда “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурини амалга ошириш ташаббусини илгартирди. Ушбу дастурни амалга ошириш бўйича Президент қарорлари қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

■ Рўзиқул АЛИХОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Термиз тумани
бўлими бошлиғи.

Термиз туманида ушбу дастурни амалга ошириш бўйича “Кўнғирот” ва “Қаҳрамон” маҳаллалари танлаб олинган бўлиб, уларга 5 миллиард сўмдан маблағ йўналтирилади. Натижада ушбу иккита маҳаллада 30 дан ортиқ янги лойиҳа йўлга қўйилади ва 110 та иш ўрни яратилади, 11,5 км. йўл асфальтланади, 4 км. ичимлик сув тармоғи тортилади, 4 та трансформатор пункти ўрнатилиб, тармоқлар янгиланади.



Масъулларга “маҳалла еттилиги” билан ишлаб, ҳар бир маҳаллада 40 тадан янги “драйвер” лойиҳаларни ишлаб чиқиш, қўшимча имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш, маҳалла бюджетини ошириш учун мавжуд манбаларни кенгайтириш вазифалари топширилди.

Туманда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш ва тадбиркорлик фао-



лиятига жалб этиш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2025 йил 14 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида опа-сингилларимиз учун янги имкониятлар эшиги очилди. Хусусан, ишсиз ва ҳеч қандай касб-хунарга эга бўлмаган аёллар учун тикувчилик йўналишида амалий ўқув курслари ташкил этилди. Таҳсил олувчилар нафақат тикувчилик сирларини ўрганмоқда, балки келгусида ўз ишбилармонлик фаолиятини йўлга қўйиш, оила даромадида ҳисса қўйиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини ошириш борасида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар натижада туманимизда ҳам

қатор лойиҳалар йўлга қўйилди. Термиз кейинги саккиз йилда қишлоқ хўжалигига боғланган ҳудуддан саноати ривожланган, ишлаб чиқариш лойиҳалари кўп инновацион туманга айланди. “Олис осмон” хусусий корхонаси қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. У йилга 50 минг тонна қуруқ бетон қоришмалари ишлаб чиқаради ҳамда 35 та доимий иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, энергия самарадорлигини

ошириш мақсадида корхонанинг бўш ҳудудида 2 300 кВт. қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ташкил этилган.

Бугун амалга оширилаётган ҳар бир янги ташаббус ва лойиҳалар замирида халқнинг фаровон турмуш кечириши, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсади мужассам. Зеро, бу борадаги ҳар бир ижобий натижа маҳалла ва жамият раванқини белгилаб берувчи мезон саналади.



■ “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“MAHALLA” — МУҲИМ ВА ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАНМА!



Насибхон АБДУНАЗАРОВА,
Термиз туманидаги
“Айиртом” маҳалласи раиси:

— Бугун маҳаллада қилинадиган ишлар жуда кўп. Айниқса, оилалар мустақамлигини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга асосланган тарзда тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада қилинаётган ҳаракатлар йил сайин ўзининг ижобий самарасини намойиш этмоқда. Жорий йилда ҳудудимизда бирорта ажралиш ҳолатининг қайд этилмагани гапимизга яққол исбот бўлади. Нурунийлар ва фаоллар

ёрдами билан иккита оилани яраштирилгани эса янгича ёндашув ва тажриба натижаси демак.

Маҳалламиздаги 3 600 нафар фуқаронинг турли йўналишдаги муаммоларга ечим топиш учун “еттилик” доимий изланишда. Бу йўлда “Mahalla” газетасидан унумли фойдаланиб келяпмиз. Ҳар бир мақола, унинг ҳар бир сатрида фаолиятимизни ривожлантириш учун керакли тавсиялар бериб бориляпти. Муҳим қўлланма ва ишончли нашр бўлгани учун ҳам “Mahalla” газетасига доимий обуна бўлиб келяпмиз.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Шахноза
РАҲИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

MANZARA

Кичик эътибор кун келиб катта натижага замин бўлади

Рағбат ва эътибор инсонни янги марралар сари етаклайди. Кичик бир натижанинг аҳамияти нечоғли муҳим эканини кўрсатиб бериш, кейинчалик бундан ҳам каттароқ самарага эришишга йўл очади. Шу маънода маҳалламизда истиқомат қиладиган миришкорларимизни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаймиз.

■ Дилбар МУҲАММАДОВА,
Термиз туманидаги
“Намуна” маҳалласи
раиси.

Жорий йилда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини” муносабати билан 5 нафар деҳқонни турли номинациялар билан тақдирладик. Бу, бир жиҳатдан, ўз соҳасида кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритаётган меҳнаткашларни бошқаларга намуна сифатида кўрсатган бўлса, иккинчидан, янги тажрибаларнинг янада оммалашшига замин яратди.

Ҳозирги кунда маҳалламизда 3 626 нафар аҳоли истиқомат қилади. 615 та хонадоннинг 600 тасида

иссиқхона йўналишида иш ташкил этилган. Бу кўрсаткич 2021 йилда 300 тани ташкил этарди. Соҳанинг даромади яхши, қайта-қайта ҳосил олиш имкони мавжудлиги боис йилдан-йилга қизиқувчилар сони ортиб борди. Қарабсизки, бугун деярли барча оилалар ердан унумли фойдаланиш бўйича анчагина тажрибага эга.

Томорқалар 3 сотихдан 15 сотихгача бўлган майдонлардан иборат. Одамлар унинг ҳар қаричига экин экади. Декабрда ерга қадалган помидор кўчатларининг ҳосили пуллаб бўлингач, мартда бодринг уруғлари экилади. Сентябрьда эса бўлғор қалампирига навбат берилади. Орада кўкат ва салат барглари етиштирилиб, савдога чиқарилади. Хайрулло Абдиев 20 со-



Жорий йилда иккита кам таъминланган оиланинг уйини тўлиқ таъмирдан чиқаришга ёрдам бердик. Боқувчинини йўқотган, 5 нафар вояга етмаган фарзанд тарбиялаётган аёлнинг ҳовлисига иссиқхона қурилди. Кам таъминланган хонадоннинг 2 нафар ўғлига ҳомийлар ёрдамида суннат тўйи қилиб берилди.



тихли томорқасининг 15 сотихида иссиқхона ташкил этган. Мавсумига қараб 3 нафардан ишчи ёллаб, қунига 150 минг сўмдан ҳақ тўлайди. Деҳқон ҳар бир экинга ўзига хос ёндашув асосида ишлов бериб, яхши даромад топяпти.

Айниқса, томчилатиб суғориш усулини йўлга қўйиб, обихаётдан самарали фойдаланишни тарғиб этаётгани эътиборга молик. Мазкур ёндашув ҳосилдорликни оширишда ҳам катта аҳамият касб этади. Маҳалламизда ҳеч ким эъ-

тибордан четда эмас. Хусусан, 78 нафар ноғиронлиги бўлган фуқаро холидан мунтазам равишда хабар оламиз. Уларга эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш аъёна тусига айланган. Бир нафар яқка-ёлғиз яшайдиган кексага ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатилди. Томорқасига ишлов бериш, уй юмушларини бажариш учун кўнғиллар гурӯҳи катта ташаббус кўрсатди.

Халқ билан баробар нафас оладиган раис уларнинг дарди ва ташвишини яхши ҳис қилади. Шунга қўра, одамларга ёрдам бериш борасида ҳам яхши натижаларни қўлга киритади. Энг муҳими, атрофдагиларнинг ишончини қозонишга эришди. Бизнинг фаолиятимиздан кўзлаган мақсадимиз ҳам аини шу аслида.



Шахмат:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ
учун IV Халқаро
шахмат турнири
ўтказилади.



Ислон бирдамлиги
ўйинларининг
оғир атлетика
беллашувларида
АКБАР ЖЎРАЕВ
учта олтин медалга
сазовор бўлди.



Пойтахтимизда
ОТ СПОРТИ БЎЙИЧА
“FEI Jumping World
Challenge – 2025”
мусобақасининг
навбатдаги босқичи
старт олди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!

МЕНДА САВОЛ БОР...

Самандар ҚОБИЛОВ.
Чироқчи тумани:

— Ҳозирги кунда кўплаб ўқув марказларида ўқитувчининг иш ҳақи фойзда белгиланган. Масалан, бир ўқувчи тўлаган тўловнинг 50 ёки 40 фоизи ўқитувчига иш ҳақи сифатида берилади. Шундай келишув жоизми?

ЎҚИТУВЧИНING ИШ ҲАҚИНИ ФОИЗДА ТЎЛАШ ЖОИЗМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Келишувнинг бу шакли ижара битими ҳисобланади. Ҳуқуқлар ижарада иш ва унга бериладиган ҳақ ҳам аниқ, маълум бўлиши шарт, чунки ноаниқлик низога олиб боради, дейишган. Чунки савдо ва ижара каби битимларни фосид (ножоиз) қиладиган асосий омил, бу — низога олиб борувчи мажбулликдир. Агар келишмовчиликка олиб бормаса, мазкур шартнома жоиз ҳисобланади.

Юқоридаги саволдаги ҳолатда иш ҳажми аниқ, гарчи фойзда бўлса ҳам иш ҳақи маълум. Ўқитувчи ва иш берувчи ўқувчиларга қараб тўланадиган миқдорни билади. Қолаверса, айрим уламолар иш ҳақини фойзда келишишни жоиз, дейишган.



Маълумки, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний фаоллик даражасини юксалтириш мақсадида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракати”ни амалга оширишга қаратилган махсус дастур тасдиқланган. Унга кўра, барча маҳаллаларда “Саломатлик мактаблари” ташкил этилган.

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ МАҲАЛЛА АҲЛИНИ СОҒЛОМ ВА АҚЛЛИ БЎЛИШДА БИРЛАШТИРАДИ

Умид ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги Этноспорт бўлими бошлиғи.

Ёшу кексанинг спорт билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратилган бўлиб, оммавий спорт турлари кенг ривожланмоқда. Аммо бу йўналишда қадимий халқ ўйинларидан фойдаланиш даражаси деярли сезилмайди. Ваҳоланки, халқ ўйинлари ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда яхши самара беради.

Шу боис “маҳалла еттилиги” унутилиб бораётган миллий халқ ўйинларини тарғиб этса, янада манфаатли бўлар эди. Мисол учун, қадимда ўғил болалар “Чиллак”, “Тортиш-мачок”ни яхши кўрса, қизлар “Супур-супур”, “Ок теракми, кўк терак?”, “Ҳаппак тош” каби-ларга қизиққан. Ўйинларга

этибор берсангиз, ҳаммаси ҳаракатдан ёки жисмоний ва ақлий меҳнатдан иборат. Тез айтиш — болалар нутқидаги нуқсонларни тўғриласа, топишмоқлар — зехнини оширади. Тортишмачок, чиллак каби ўйинлар жисмоний фаолликни таъминлайди. Шунингдек, “Тош кўтариш”, “От устида кураш”, “Кўпқари”, “Ланка”, “Арқон тортиш” каби халқ ўйинлари ёшларни профессионал спортга тайёрлаб боради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу ўйинлар йўқолиб кетмаслиги ва оммалашishi учун боғча ва мактабларда халқ ўйинлари алоҳида дарс сифатида ўқитилиши, маҳалла-ларда аънавий спорт мусобақаларини ўтказиб бориш керак. Бу борада “еттилик” ходимлари ташаббускор бўлиши лозим. Мусобақаларни фақат Наврўз байрамида, турли фестивал ёки маданий тадбирлар доирасидагина эмас, балки мунтазам ташкил этиш мумкин.



“Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан ҳар ҳафтада кўчалараро танловлар ўтказилса, ёшлар ва кексалар ўртасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш қулайди.

Бу ҳаракат ўша ҳудудда спортни оммалаштиришга хизмат қилибгина қолмай, “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ижросини ҳам таъминлайди.


Халқ ўйинлари барча спорт турларининг асоси эканини ҳисобга олсак, бир қатор афзалликларига гувоҳ бўламиз. Улардан энг муҳими, жамоани бирлаштириб, соғлом авлод тарбияси ва ақлий қобилиятни ривожлантиради.

БИЛИБ ОЛИНГ!

ҲАРАКАТСИЗЛИК ҲАММА ЗАРАРЛИ ОДАТДАН ХАВФЛИРОҚ

Камҳаракатлик спиртли ичимлик ва чекишдан кўра кўпроқ соғлиққа зарар етказади. Одатда, мунтазам машқлар узоқ вақт ўтиришдан келиб чиқадиган муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаввиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Бугунги кунда шифокорлар саломатлиқни сақлашнинг ягона усули — кун давомида қисқа муддатли танлафусларда жисмоний тарбия билан шуғулланиш эканини таъкидлашади. Тўшлик вақтида қисқа саёҳат, 5 дақиқалик чўк тушиб ўтириш ва эгилиш, кун охирида бир неча бор сакраш соғлиқни сақлайди

ҳамда оғир касалликлар хавфини камайтиради.

Шундай ҳаракат қандли диабетнинг ривожланиш хавфини пасайтиради. Бу мунтазам машқларга қараганда самаралироқ бўлиб, инсон қанча кўп ўтирса, қондаги шакар ва холестерин миқдори шунча юқори бўлади.

Агар кун давомида 6 соат ёки ундан кўпроқ ўтиришга тўғри келса, йўғон ичак саратонидан вафот этиш эҳтимоли 36 фоизга ошар экан. Олимларнинг фикрича, узоқ вақт ўтириш глюкоза ва инсулин миқдорининг бузилишига олиб келади.

Мунтазам жисмоний машқлар ички аъзолар атрофида тўпланиб қолган ёшларнинг эришига ёрдам беради, аммо бу юракка тааллуқли эмас. Шунинг учун юракни ёғ босишдан ҳимоя қилишнинг энг самарали усули — иложи борича кам ўтириш.

Кунга уч соатдан кам ўтирган аёлларда бўйрак касаллиги хавфи 30 фоизга қисқаради. Эркалар учун бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил қилади.

СОҒЛИҚ

ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК КУНДАЛИК ОДАТГА АЙЛАНСА, КАМРОҚ КАСАЛ БЎЛАСИЗ

Куз фасли ниҳоясига етиб, қишнинг совуқ ҳавоси эшик қоқиши билан бир қатор мавсумий касалликлар безовта қила бошлайди. Аввало, қуруқ ҳавода инфекциялар авж олишини эътиборга олиш керак.



Феруза ТОҲИРОВА,
Саломатлик ва стратегик
ривожланиш институти
бошқарма бошлиғи.

Яъни, бу даврда намлик нисбатан юқори бўлса-да, хоналар иситилиши сабабли ҳаво қуруқлашади. Натижада тромблар ва юрак хуружининг хавфи ортади. “Қишқи депрессия” безовта қилади. Бундан ташқари, совуқ тушиши билан грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар, тери касалликлари ривожланади.

Шу боис эшик ва деразаларни зич ёпмай, хона ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш фойдали. Мева ва сабзавотлар истеъмоли ҳам зарар қилмайди.

Камҳаракатлик танани заифлаштиради. Оқибатда шомоллаш ва гриппга чалиниш эҳтимоли ошади. Шундай экан, ҳар бир инсон жисмоний фаолликни оширса, касаллик чекинади.

Қолаверса, витаминлар шомоллашнинг самарали профилактикаси ҳисобланади. Масалан, В витамин(В1, В2, В6, В12)лари лейкоцитлар фаоллигини кучайтиради, тананинг совуққа чидамлилигини оширади. Шунингдек, бу пайтда об-ҳавога мос кийиниш керак. Биринчи навбатда, шарф тақийни унутмаслик зарур. Боиси у бўйиндаги қон томирларини иссиқ сақлаб, миёга иссиқлик етиб боришини таъминлайди. Турар-жой ва ишхоналар ҳамда жамоат биноларида ҳарорат тартибига риоя қилиш лозим.

Бу каби салбий таъсирлардан ҳимояланиш, касалликка чалинмаслик учун маҳаллаларда ўтказиладиган саломатлик тадбирларида иммунитетни оширишга доир тавсиялар бериб бориш муҳим.



“Маҳалла еттилиги” ходимлари ҳудудларда соғлом турмуш тарзини умуммиллий ҳаракатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Бунинг учун аҳоли ўртасида жисмоний фаолликни кундалик одатга айлантиришда намуна бўлишлари керак.



Д витамини иммунитет тизимининг меъёрий ишлаши учун муҳим ҳисобланиб, қиш фаслида тана бу моддани мустақил ишлаб чиқариши пасаяди. Натижада тананинг мазкур дармондорига эҳтиёжи ортади. Шу сабабли қишда тўғри овқатланиш, айниқса, таркибида С ва Д витамини бор егулик(балик, жигар гўшти, сўт маҳсулотлари, тухум, мандарин, киви, қорағат (смородина), қури-тилган анжир, лимон, малина каби мевалар, петрушка, ўсимлик ёғи ва табиий апельсин шарбати)ларни кўпроқ истеъмо қилиш лозим.

Кунлик таомномага оқсилга бой озиқ-овқат(дуққакли маҳсулотлар, ёрмалар, мол ва парранда гўшти)ларини киритиш мақсадга мувофиқ.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 220 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

